



Жавхар Ас-Сицили ёки Сицилиялик Жавхарнинг тарихи ажойиб ва афсонага ўхшайди. Тугилган санаси ҳеч кимга маълум бўлмаган киши кулдан олий табакали лашкарбошига айланган ва ислом тарихида энг кучли кўшинни ташкил қилишга эришди.

Фотимийлар сулоласининг пойтахти бўлмиш Туниснинг Мадхия шаҳрида тугилиб ўсган. Бошқа тарихий манбааларга кўра у Италиядаги Сицилияда, баъзи бирларга караганда умуман Хорватия тугилганлиги тўғрисида тахминлар бор. Махдия Кохиранинг архитектурасига таъсир кўрсатганлиги тўғрисида фикрлар мавжуд.

Жавхар араб дунёсини Ироқ, Сурия ва Мисрдан тортиб Марокаш сохилларигача бирлаштирган деб ҳисобланади. У Ўртаер денгизини айланиб ўтган, мисли кўрилмаган саргузаштларни бошидан кечирди, хаттоки денгиз карокчилари томонидан ўгирланган ҳам. Шуларни ҳаммасини ҳаётида ўтказиб, у араб пойтахтини, тарихий масжид ва энг муҳим дорилфунунни ташкил қилишга киришди.

Жавхар қачон тугилганлиги номаълум – кулларнинг тугилиши рўйхатга олинмасди. Биз фақат у 10 асда таваллуд топганлигини биламиз ҳалос.

Ўлган санаси аниқ, чунки у пайтда Фотимийлар тарихида энг муҳим лашкарбоши, Кохира, Ал-Азхар масжиди ва шу номли университет асосчиси эди. Бу 992 йил 1 февралда содир бўлган.

Жавхар Шимолий африкага ёшлик пайтига олиб келинган эди и халифа Исмоил Мансур Биллахникига тушди. Халифанинг ўгли Муизз ҳукуматга келганда Жавхарни озод этишди. Кўп ўтмай у лашкарбошигача кўтарилди.

969 йилда у Кохирага асос солган, унинг номи музаффар маъносини билдирувчи Ал-Кохира сўзидан олинган. Лекин кўпчиликнинг фикрича унинг энг катта муваффақияти бу Ал-Азхар университетини тузишдир.

Ал-Азхар масжиди амирларда севимли бўлган ва у ҳокимиятни билдиларди, ва ҳолат асрлар оша сакланиб келмоқда.

Жавхар Италия ярим оролидан Мисрга биринчи кўчиб келганлардан эди, лекин уларни кетидан бошқалар ҳам кела бошлади. Падуа университетининг ислом давлатлар тарихи профессори Лайла Ал-Хусси кайд килишича: “Миср Италиядан бўлган миграциянинг бир неча тўлкинига дуч келган”.